

Чириб кетадиган жасадим учун ғам чекмайман



05:15 / 28.11.2019 4070

Қувайтлик адиба Нодия Жоруллоҳ раҳимахуллоҳ вафот этди. У вафотидан олдин қуйидагиларни ёзиб қолдирган эди:

«Ўладиган пайтимда ташвишланмайман. Чириб кетадиган жасадим учун ғам чекмайман. Мусулмонлар керакли ишларни қилишади барибир. Улар қуйидагилар:

1. Кийимларимни ечишади.
2. Ювишади.
3. Кафанлашади.
4. Уйимдан чиқаришади.
5. Мени янги масканимга олиб боришади.
6. Жанозамни кузатгани кўп кишилар келади. Улар мени дафн қилиш учун ишларини, ваъдаларини тарк қилиб келишади. Уларнинг кўпчилиги бирор кун менинг насиҳатим ҳақида фикрламаган.

7. Нарсаларим қолади. Калитларим, китобларим, жомадонларим, оёқ кийимларим ва ҳоказо...

Оилам бир қарорга келишса нарсаларим менга фойда бериши учун садақа қилишади. Дунё мен учун хафа бўлмаганига ишонишади. Менсиз ҳам ҳаёт тўхтаб қолмаслигига, иқтисод давом этишига, лавозимимни давом эттириш учун бошқа инсон тайинланишига, бойликларим меросхўрларимга тақсимланишига ишонишади. Аммо молимнинг ҳисобини мен бераман. Кўпини ҳам, озини ҳам, арзимасини ҳам, қадрлисини ҳам...

Ўлганимдан сўнг мендан кетадиган аввалги нарса исмим бўлади. Мени «маййит» дейишади. Исмимни айтишмайди. Жанозамни ўқиётганда «тобутни олиб келинг» дейишади. Исмимни айтишмайди. Шунинг учун менинг насабим ва шуҳратим мағрурлантирмайди.

Бу дунё қанчалар арзимас! Бизни кутиб турган олам қанчалар буюк!

Билгин! Сен учун маҳзун бўладиганлар уч қисмдир:

1. Сени юзаки танийдиганлар. Улар ўлган кунинг бирровга сенга ачиниб сўнг дарҳол унутишади.
2. Дўстларинг. Улар сал узоқроқ эслашади. Сўнгра ўз ҳаётларига, ҳатто кулгуларига қайтишади.
3. Уйдагилар. Улар чуқур қайғуришади. Бир ҳафта, бир ой, бир йил, сўнгра улар ҳам сени ўз хотиралари қаърига улоқтиришади.

Инсонлар орасидаги қиссанг шу билан тугайди.

Ҳақиқий қиссанг охиратда бошланади. Сендан гўзаллигинг, молинг, сихҳатинг, фарзандларинг, уй-жойинг ва турмуш ўртоғинг ажраган. Сенга фақат амалларинг қолган. Ҳақиқий ҳаёт бошлагансан. Савол туғилади: Охиратга, қабрга нима ҳозирлагансан? Бу ўйлашга арзигулик ҳақиқатдир. Шунинг учун фарзларга, нафлларга, яширин садақаларга, солиҳ амалга, тунги намозга ҳарис бўл! «Шоядки нажот топсанг...».

Тасаввуфда «робитаи мавт» тушунчаси бор. Яъни, ўлимга боғланиш. Бунинг фойдаси кўп. Инсонни туғёнга кетмаслигига, кибр қилмаслигига, узун орзуларга берилмаслигига ана шу «робитаи мавт» нинг таъсири катта.

Дунёда бир олийгоҳга ўқишга кирмоқчи бўлсак имтиҳон олишади. Имтиҳон олдидан қўрқув ва ҳаяжонни барчамиз тотиб кўрганмиз.

Ўйлаб кўрингчи, охираат диёрига соғ-саломат ўтиб олиш учун имтиҳон топширишга тайёرمىсиз?

Ақидангиз тўғрими, соғломми? Аҳкомларга тўғри амал қилаяпсизми?

Руҳий томондан покмисиз?

Имтиҳонда асосан савол шу мавзулардан бўлади.

Бизни кутиб турган қадарнинг бари номаълум. Аммо ўлим бундан мустасно...

«Эслатинг, чунки эслатиш мўъминга манфаат беради».

Абдулқодир Полвонов